

## **ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИДА АКТИВ- ПАССИВЛАРНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИ**

**Маматов Акмалжон Анваржонович**

“Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи

Телефон: +998 (99) 602 79 49

Gmail: [a.a.mamatov82@gmail.com](mailto:a.a.mamatov82@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*Илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида пассивдан самарали фойдаланиш йўллари ёритилган. Хусусан, АТ Ипотекабанк мисолида унинг банк тизимида тутган ўрни ҳамда молиявий ресурсларни жалб этиш ҳолатлари ўрганилган. Хусусан, мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган трансформация жараёнлари натижасида охириги йилларда тижорат банкларининг пассивлари ва капитали юқори миқдорда ўсиб бораётганлиги аниқланди. Аммо давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати учбаробарга яқинлашиши ушбу банклар турли фондларнинг арзон ресурсларига ишониб қолганлиги аммо бу бозор тамойиллари асосида ресурс жалб қилишида ва рақобатга мослашишида муаммоларга олиб келмоқда.*

***Таянч сўз ва иборалар:** тижорат банк, пассив, актив, депозит, кредит, пул бозори*

## **ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ УПРАВЛЕНИЯ АКТИВАМИ- ОБЯЗАТЕЛЬСТВАМИ В БАНКАХ УЗБЕКИСТАНА**

**Маматов Акмалжон Анваржонович,**

начальник управления HR департамента АКБ “Агробанк”

Телефон: +998 (99) 602 79 49

Gmail: [a.a.mamatov82@gmail.com](mailto:a.a.mamatov82@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*В научной статье описаны способы эффективного использования пасивов в коммерческих банках Республики Узбекистан. В частности, на примере АТ Ипотекабанка изучена его роль в банковской системе и обстоятельства привлечения финансовых ресурсов. В частности, в результате трансформационных процессов, проводимых в банковской системе нашей страны, было установлено, что обязательства и капитал коммерческих банков в последние годы растут высокими темпами. Однако тот факт, что соотношение кредитов к депозитам в банках с долей государства*

*приближается к тремкратным, поскольку эти банки опираются на дешевые ресурсы различных фондов, приводит к проблемам в привлечении ресурсов и адаптации к конкуренции на рыночных принципах.*

**Ключевые слова:** *коммерческий банкинг, пассив, актив, депозит, кредит, денежный рынок*

## **CURRENT SITUATION OF ASSETS-LIABILITIES MANAGEMENT IN UZBEKISTAN BANKS**

**Akmaljon Anvarjonovich Mamatov**

Head of the Human Resources Department,

Joint-stock Commercial Bank "Agrobank"

Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

### **ABSTRACT**

*The scientific article describes ways of effective use of liabilities in commercial banks of the Republic of Uzbekistan. In particular, on the example of JSB Ipotekabank, its role in the banking system and the circumstances of attracting financial resources were studied. In particular, as a result of the transformation processes carried out in the banking system of our country, it was found that the liabilities and capitals of commercial banks have been growing at a high rate in recent years. However, the fact that the ratio of loans to deposits in state owned banks is close to three times, these banks rely on cheap resources of various funds, but this leads to problems in attracting resources and adapting to competition based on market principles.*

**Key words:** *commercial bank, liabilities, assets, deposit, loan, money market..*

### **КИРИШ.**

Банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, авваламбор, ресурс базасининг мустаҳкамлиги ҳамда диверсификацияланиш даражасини таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан узвий боғлиқдир. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати доирасида амалга оширилаётган макропруденциал назорат бўйича талабларнинг кучайтирилиши миллий валютадаги узоқ муддатли ликвид ресурсларнинг етишмаслиги ҳамда банкларнинг ликвидлик бўйича тегишли кўрсаткичларга эришиш заруратининг юзага келиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу билан бир қаторда, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляциян кутилмалари даражасининг катталиги,

шунингдек, узоқ муддатли депозитларни жалб этиш соҳасида банклараро рақобатнинг кучайиб бориши ҳамда технологик ривожланиш натижасида миждозларнинг инновацион хизматларга бўлган талабининг ошиб бориши тижорат банкларида пассивлардан самарали фойдаланиш механизми ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида: “2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” деб қайд этилиши тижорат банкларида пассивлардан самарали фойдаланиш сиёсатининг фундаментал асосларини қайта кўриб чиқиш заруратини, шунингдек, пассивлар барқарорлигини таъминлашнинг назарий, услубий ва амалий масалаларни тадқиқ этишнинг долзарблигини асослайди.

Шунингдек, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳукуратимиз томонидан охириги йиллирда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам иқтисодий ривожланиш соҳасига катта эътибор берилиб муҳим мақсадларни олдиға қўйган. Ушбу мақсадлардан бири мамлакатимизнинг иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошиға ялпи ички маҳсулотни —1,6 баравар ва 2030 йилға бориб аҳоли жон бошиға тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаториға кириш учун замин яратиш асосланган. Ушбу мақсадларға эришиш йўлиди макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш; давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотға нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш; ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишға сарфлашни ташкил қилиш; давлат қарзини бошқаришда йилиға янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш зарурлиги белгиланган. Бу натижаларға эришишда тижорат банкларининг ўрни каттадир ҳамда тижорат банкларида ресурс базасини мустаҳкамлаш, депозит сиёсати ва узоқ муддатли депозитларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш бугунги куннинг долзалб масалаларидан биридир.

Ҳозирги кунда республикамиз тижорат банклари амалиётида депозит сертификатлари жорий этилиб банк ресурсларининг манбаларини шакллантирилишда фойдаланилмоқда. Депозит сертификатларининг ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки, улар банкнинг ҳақиқатда ҳам маълум миқдордагимаблағни банкка кўйганлиги ҳақида мижозга ёзма тасдиқномасини англатади. Энг асосийси депозит сертификатлари гаров сифатида банклар томонидан қабул қилинади. Депозит сертификатлари бўйича фоизлар миқдори депозит суммасининг ҳажми, муддати, шунингдек, иқтисодиётдаги инфляция даражасига боғлиқ.

Тижорат банклари баланси пасивининг асосий улушини мажбуриятлар ташкил этиб, улар 85-90 фоиздан иборат бўлади. Мажбуриятларни муддати ва вужудга келиш манбасига қараб барқарор ва беқарор, улар учун тўланадиган харажатлар қийматидан келиб чиқиб, арзон ва қиммат маблағларга ажратиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, депозит-талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қайтариб бериш шарти билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси.

Депозит операциялар –банкларнинг депозиторлар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир.

Муддатли депозитлар – бу банклар томонидан маълум муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Бу турдаги депозитларлар кўйилган муддатда ўзгармас бўлиши ва улар жорий тўловлар учун ишлатилмайди.

Муддатли депозитларга кўйиладиган маблағларни қайтариб олиш олдиндан келишилади. Ушбу депозит турининг номидан ҳам маълумки, депозит маблағлар аниқ муддатга кўйиши лозим. Ўз навбатида банклар, ушбу депозит тури бўйича нисбатан юқори фоиз ставкада тўловларни тўлайди. Банк мазкур депозитга муддати тугагунча сақлаш учун ва олдиндан огоҳлантириш йўли билан муддати тугамасдан қайтариб бериш ҳақида омонатчи билан депозит шартномасини тузиши мумкин. Биринчи ҳолатдаги депозит турида, банк келишилган муддат тугагунча омонатчининг маблағидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Муддати тугагандан кейин омонатчи томонидан ушбу маблағ талаб қилинмаса, келгусида ушбу ҳисобварақаси талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақаси тарзида ишлайди.

Тижорат банкларида халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда капитал таркиби, таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда активлар ҳамда капитал етарлилигини ҳисоблаш бўйича меъёрий ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ЎРҚ-582-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сонли қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 6 июлдаги «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 2693-сонли низомини келтиришимиз мумкин.

### **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

F.Owusu ва A.Alhassan каби иқтисодчилар Ганадаги 27 та банкларнинг 2007-2015 йиллар амалий маълумотлари асосида актив-пассивларни бошқариш билан фойда ўртасидаги муносабатларни ўрганиш учун Статистик харажатлар ҳисоби (Statistical Cost Accounting (SCA)) моделдан фойдаланган. Олинган илмий натижалар статистик харажатлар ҳисоби моделининг тўғри қўлланилганлигини ҳамда Гана банклари фойдаси банклар баланси моддаларига боғлиқлигини ифодалайди. Шунингдек, олинган натижалар маҳаллий банклар хорижий банкларга қараганда юқори активлар қайтимига эга бўлмоқда. Бундан ташқари, юқори активлар қайтимига эга бўлган маҳаллий банкларда пассивларнинг ҳам юқори таннархи мавжудлиги ва бу умумий активлар рентабеллигини пасайтириб юбориши аниқланган. Уларнинг фикрича юқоридаги моделни қўллаш орқали банк рентабеллигини оширишда ўрни юқори бўлган активларни аниқлаш ва актив-пассивни самарали бошқаришда қўл келиши таклиф қилинган.

Lorella Fatone ва Francesca Mariani каби Италиялик иқтисодчилар банкда тизимли риск муаммосини банк актив-пассив динамик моделида кўриб чиққан. Уларнинг фикрича, банк тизимининг динамикаси мустақил ўзгарувчиси вақт бўлган ва боғлиқ ўзгарувчиси банкларнинг активлари ва пассивлари бўлган стохастик дифференциал тенгламалар тизими учун бошланғич қиймат муаммоси билан белгиланади. Моделнинг асосий хусусиятлари банклар ўртасидаги ҳамкорлик механизми ва пул-кредит органининг банк тизими динамикасига (тўғридан-тўғри) аралашуви имкониятини беради. Чекланган вақт оралиғида тизимли риск эҳтимоли статистик симуляция ёрдамида баҳоланади. Тизимли рискларни бошқариш икки берилган чегаралар орасидаги чекланган вақт оралиғида тизимли риск



эҳтимолини ушлаб туриш мақсадини кўзлайди. Пул-кредит органи рискларни тизимли бошқариш учун жавобгардирва бошқарув ўзига хос "идеал банк"нинг активлари ва пасивларини вақт функциялари сифатида танлаш ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик механизмини тартибга солувчи қоидаларни танлашдан иборат. Бошқарув тизим банкларини ўзини "идеал банк" каби тутишга ундайди. Банкларнинг активлари ёки пасивларига таъсир этувчи шоклар симуляция қилинади. Банк тизимига таъсир этувчи шокмавжуд бўлганда ва бўлмаганда тизимли рискларни бошқаришнинг рақамли мисоллари ўрганилган.

Larissa Batrancea молия бозоридаги ўзгаришларнинг ривожланган давлатлар банкларининг актив-пасивини бошқариш механизмига таъсирини ўрганган. Хусусан, Европа, АҚШ, Исроил ва Канада давлатларида фаолият олиб бораётган энг муҳим 45 та тижорат банкларининг 2006-2020 йиллардаги статистик маълумотлари ўрганилган. Яъни иқтисодчи 2008 йилдаги инқироздан олдинги ва ундан кейинги даврларда банк актив-пасивини самарали бошқариш бўйича қиёсий таҳлил қилган. 2008 йилги молиявий инқироз молиявий бозорларга, айниқса банк тизимига катта таъсир кўрсатди. Ипотека билан таъминланган гаровга қўйилган инвестициялар нақд пулнинг катта танқислигини аниқлаган сабаблардан бири эди. Унинг фикрича, кризисдан олдин АҚШ банклари ушбу бозорларда муҳим инвестор ҳисобланган, бу уларнинг активлари ва мажбуриятлари тузилишидан далолат берган. Панелнинг умумлаштирилган моментли ёндашув усули (Panel generalized method of moments approach) ёрдамида эмпирик натижалар банк активлари ва пасивлари нисбатларининг молиявий самарадорлик кўрсаткичларига кучли таъсирини кўрсатди. Тадқиқотда таъкидланишича, банк менежерлари, тадқиқотчилар, тартибга солувчилар ва назорат органлари инвестиция сиёсатини, айниқса, банк активлари ва мажбуриятларини ҳисобга олишлари керак. Шу сабабли, банк фоизли даромадининг юқори даражаси актив ва пасивларни оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, фоизли даромадлар пасайиш тенденциясига кирганда, банк кредитлаш фаолиятини ривожлантириши ёки бошқа воситалардир фойдаланиши зарурияти юзага келади.

C.Mendicino ва бошқалар капитал етарлилиги талаблари ва уларнинг банк актив ва пасивларини бошқаришга таъсирини Европа Иқтисодий ҳудуди банклари мисолида таҳлил қилганлар. Улар ўз олдиларига реал иқтисодга ортиқча харажатлар юклагандан, кучли ва мустаҳкам банк тизимини таъминлаш учун капитал талабларини қанчалик ошириш керак

каби масалани кўядилар. Капиталга бўлган талабнинг ошиши банкларни хавфсизроқ қилади ва узоқ муддатда фойдали бўлади, лекин жорий харажатларини ҳам талаб қилади, чунки уларнинг киритилиши кредит таклифини ва ялпи талабни таъсир қилади. Миқдорий макробанк моделининг асосий сценарийсида узоқ муддатли фаровонлик даромадларининг 25% жорий даври харажатлари туфайли йўқотилади. Пул-кредит сиёсатининг мустақамлиги ва банкнинг таваккалчилик даражаси қисқа муддатли харажатлар ва капиталга бўлган талабларнинг ўзгаришидан узоқ муддатли фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг асосий омиллари ҳисобланади.

J. Berrospide ва R. Edge каби иқтисодчилар банк капиталига етарлиликка кўйилган талабларнинг ошиб бориши АҚШ иқтисодиётини химоялашни ўрганиш учун тижорат банклари статистика маълумотларидан фойдаланган. Ушбу гипотезани амалда текшириш учун Федерал Резерв Банки томонидан стресс тестлар ўтказилмоқда. Стресс тестларнинг миқдорий компонентлари капитал етарлиликка орқали банкларнинг кредитлари ҳажмига, умумий қарзга, инвестиция харажатларига ва бандликка таъсир импульси кўрилган. Улар шуни аниқлаганки, стресс-тест юқори капитали етарлиликлари банклар кредитларининг сезиларли қисқаришига олиб келади. Модел натижаларига кўра капитал етарлиликларининг 1 фоизга ошиши кредитлаш салоҳиятининг 0,5 фоизга қисқаришига олиб келган. Шунингдек, улар корхоналар инвестициялари ва иш билан таъминланишига стресс тестлари назарда тутилган капитал етарлиликлари асосан таъсир қилмаслигини аниқлаган.

Профессор Ш. Абдуллаеванинг фикрига кўра, банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади.

Халқаро банк амалиётида пассив операцияларнинг қуйидаги тўртта шаклдан кенг фойдаланилади: банкларнинг фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар; депозит операциялар; юридик шахслардан олинган кредит ресурслар; қимматли қоғозлар, пул билетлар ва тангаларни муомалага чиқариш (эмиссия).

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банк тизимида пассивдан самарали фойдаланиш ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда АТ

Ипотекабанк 2016-2022йиллардаги расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.


## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ**

Бугунги кунда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат, таркибий ўзгаришлар, шу жумладан, банк тизимида олиб борилаётган босқичма-босқич ва аниқ мақсадли трансформация жараёнлари мамлакатимиз молия-банк тизимини барқарор ривожланиши учун муҳим замин яратмоқда.

Ушбу қарор талаблари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъёрий талабларни янада такомиллаштиришдан иборат. Жумладан, капиталнинг етарлилик ва ликвидлик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсияларни (Базел III стандартлари) 2015-2019 йилларда банк тизимида босқичма-босқич жорий этилишимиз ислохотларни давом этирган ҳолда, банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек, умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқори даражага чиқишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислох қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони ушбу мақсадларга эришишда янада қулай шароит яратди. Хусусан, 2020—2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Булардан асосийлари, банк тизими активларининг умумий ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари улушини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш, банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида банкларнинг хусусий сектор олдидаги мажбуриятлари улушини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш ҳамда 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталларига зарур тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилишни келтиришимиз мумкин.





**1-расм. АТ Ипотекабанк молиявий ресурсининг банк тизимидаги ўрни(млрд.сўмда).**

2016 йилдан 2022 йилга қадар мамлакатимиз банк тизимида кўплаб ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизимидаги молиявий ресурслар 84,07 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 444,92 трлн.сўмга етган. Шу билан бирга давлат улуши мавжуд 12 та банкнинг ресурс базаси ҳам кенгайиб борган. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банкларнинг молиявий ресурслар 64,98 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 362,42 трлн.сўмга бўлган. Банк тизими молиявий ресурсларининг охиши АТ Ипотека банк ресурсларини ҳам оширган. Чунки банк тизими бир-бири билан қаттиқ боғланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанкмолиявий ресурслар 5,75 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 40,01 трлн.сўмга етган.

**АТ Ипотекабанкнинг банк тизимидаги ўрни млрд.сўмда, 1-жадвал.**


	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
Жами банк тизими пассиви	84 075,00	166 632,00	214 420,00	272 727,00	366 121,00	444 922,00
Давлат улуши мавжуд банклар пассиви	64 982,00	137 873,00	180 155,00	230 126,00	310 730,00	362 422,00
АТ Ипотекабанк пассиви	5 748,00	13 389,00	19 755,00	23 588,00	32 410,00	40 012,00
АТ Ипотекабанк пассивининг банк тизимидаги ўрни	6,84%	8,04%	9,21%	8,65%	8,85%	8,99%
АТ Ипотекабанк пассивининг давлат улуши мавжуд банк тизимидаги ўрни	8,85%	9,71%	10,97%	10,25%	10,43%	11,04%

АТ Ипотекабанк охирги 5 йилда кўплаб ижобий натижаларга эришди. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанк ресурслари бутун банк тизимидаги ресурсларнинг 6,84 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 9,00 фоизни ташкил этган. Шунингдек, АТ Ипотекабанк давлат улуши мавжуд банклар қаторига кирганлиги сабабли ушбу банкнинг айнан давлат улуши мавжуд банклардаги ўрнини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, АТ Ипотекабанк пассивининг жами давлат улуши мавжуд банклар пассивидаги салмоғи 2017 йил 1 январь ҳолатига 8,85 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 11,04 фоизни ташкил этган. Бу ўз навбатида АТ Ипотекабанкнинг банк тизимидаги ўрни йил сайин ошиб бораётганидан далолат боради. Қуйида АТ Ипотекабанк мажбуриятларининг самарали бошқарилишини таҳлил қиламиз.

***АТ Ипотекабанк мажбуриятларининг банк тизимидаги салмоғи  
млрд.сўмда, 2-жадвал.***

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>01.01.2017</b>	<b>01.01.2018</b>	<b>01.01.2019</b>	<b>01.01.2020</b>	<b>01.01.2021</b>	<b>01.01.2022</b>
Банк тизими мажбурияти	75 094,00	145 956,00	187 741,00	221 696,00	307 770,00	374 005,00
Давлат улуши мавжуд банклар мажбурияти	58 409,00	120 958,00	158 412,00	185 860,00	261 734,00	304 727,00
АТ Ипотекабанк мажбурияти	5 288,00	12 132,00	18 144,00	19 858,00	28 136,00	34 925,00
АТ Ипотекабанк мажбуриятининг банк тизимидаги ўрни	7,04%	8,31%	9,66%	8,96%	9,14%	9,34%
АТ Ипотекабанк мажбуриятининг давлат улуши мавжуд банк тизимидаги ўрни	9,05%	10,03%	11,45%	10,68%	10,75%	11,46%

АТ Ипотекабанк охирги йилларда қўшимча ресурс жарб қилиш бўйича ҳам фаолияти ошиб бормоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанк мажбуриятлари бутун банк тизимидаги мажбуриятларининг 7,04 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 9,34 фоизни ташкил этган. Шунингдек, АТ Ипотекабанк мажбуриятларининг жами давлат улуши мавжуд банклар мажбуриятларидаги салмоғи 2017 йил 1 январь ҳолатига 9,05 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 11,46 фоизни ташкил этган.



**2-расм. АТ Ипотекабанк капиталининг банк тизимидаги ўрни(млрд.сўмда).**

2016 йилдан 2022 йилга қадар мамлакатимиз банк тизимида капитални оширишга қаратилган кўплаб ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизими капитали 8,98 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 70,92 трлн.сўмга етган. Шу билан бирга давлат улуши мавжуд 12 та банкнинг ресурс базаси ҳам кенгайиб борган. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банклар жами капитали 6,57 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 57,69 трлн.сўмга бўлган. Банк тизими капитали бир қаторда АТ Ипотека банк капитали ҳам ошиб бормоқда. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанк капитали 0,46 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 5,09 трлн.сўмга етган.


2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанк капитали бутун банк тизимидаги капиталининг 5,12 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 7,17 фоизни ташкил этган. Шунингдек, АТ Ипотекабанк капиталининг жами давлат улуши мавжуд банклар капиталидаги салмоғи 2017 йил 1 январь ҳолатига 7,00 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 8,82 фоизни ташкил этган.

**АТ Ипотекабанк капиталининг банк тизимидаги салмоғи (млрд.сўмда),  
3-жадвал**

Кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
Банк тизими капитали	8 981,00	20 676,00	26 679,00	51 031,00	58 351,00	70 917,00
Давлат улуши мавжуд банклар капитали	6 573,00	16 915,00	21 743,00	44 266,00	48 996,00	57 695,00
АТ Ипотекабанк капитали	460,00	1 257,00	1 611,00	3 730,00	4 274,00	5 087,00
АТ Ипотекабанк капиталининг банк тизимидаги ўрни	5,12%	6,08%	6,04%	7,31%	7,32%	7,17%
АТ Ипотекабанк капиталининг давлат улуши мавжуд банк тизимидаги ўрни	7,00%	7,43%	7,41%	8,43%	8,72%	8,82%

2016 йилдан 2022 йилга қадар мамлакатимиз нақд пул муаммосини ҳамда валюта конвертациясини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш натижасида муомалага катта миқдорда нақд пулларни эмиссия қилишга тўғри келди. Ушбу молиявий ресурсларни банк тизимига жалб қилиш борасида тижорат банкларимиз фаол қатнашмоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизимидаги депозитлар 37,18 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб бир неча баробар ортиб 156,19 трлн.сўмга етган. Шу билан бирга давлат улуши мавжуд 12 та банкнинг депозитлари базаси ҳам кенгайиб борган. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банклардаги жами депозитлар 24,81 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 104,25 трлн.сўмга бўлган.

**3-расм. АТ Ипотекабанк депозитларининг банк тизимидаги ўрни (млрд.сўмда).**




Банк тизими депозитлари билан бир қаторда АТ Ипотека банк депозитлари ҳам ошиб бормоқда. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанкдепозити 2,67 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 15,82 трлн.сўмга етган.

**АТ Ипотекабанк депозити ресурсларининг банк тизимидаги ҳолати  
(млрд.сўмда), 4-жадвал.**

Кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
Банк тизимидаги депозитлари	37 183,00	59 579,00	70 001,00	91 009,00	114 747,00	156 190,00
Давлат улуши мавжуд банклар депозитлари	24 812,00	40 311,00	47 659,00	65 740,00	82 461,00	104 248,00
АТ Ипотекабанк депозитлари	2 675,00	5 506,00	6 759,00	7 787,00	9 499,00	15 824,00
АТ Ипотекабанк депозитларининг банк тизимидаги ўрни	7,19%	9,24%	9,66%	8,56%	8,28%	10,13%
АТ Ипотекабанк депозитларининг давлат улуши мавжуд банк тизимидаги ўрни	10,78%	13,66%	14,18%	11,85%	11,52%	15,18%

АТ Ипотека банк охириги 5 йилда умумий банк тизимида депозит манбаини кенгайтириш борасида ижобий натижаларга эришди. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТ Ипотекабанк депозитлари бутун банк тизимидаги депозитларининг 7,19 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 10,13 фоизни ташкил этган. Шунингдек, АТ Ипотекабанк давлат улуши мавжуд банклар қаторига кирганлиги сабабли депозит манбаи бўйича ушбу банкнинг айнан давлат улуши мавжуд банклардаги ўрнини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, АТ Ипотекабанк депозитининг жами давлат улуши мавжуд банклар депозитларидаги салмоғи 2017 йил 1 январь ҳолатига 10,78 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 15,18 фоизни ташкил этган. Бу ўз навбатида АТ Ипотекабанкнинг банк тизимидаги ўрнийил сайин ошиб бораётганидан далолат беради.






**4-расм. АТ Ипотекабанкда пассивлардан самарали фойдаланиш ҳолати**

Тижорат банкларида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлик кўрсакичларидан бири бу ушбу ресурсларининг қанча қисми рискли актив операцияларга йўналтирилади. Шунинг таъкидлашимиз лозимки, мамлакатимизда тижорат банкларининг асосий фойдаси кредит операцияларидан келади. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизимидаги молиявий ресурсларнинг 62,58 фоизи кредитларга йўналтирилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 73,36 фоизга етган. Бу ўз навбатида охириги йилларда давлат томонидан иқтисодий қўллаб қувватлаш жараёнлари билан изоҳланади.

Шу билан бир қаторда, давлат томонидан иқтисодий кредит кенгайтириши билан қўллаб қувватлаш асосан давлат улуши мавжуд бўлган банклар ёрдамида амалга оширилади. Бунга кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банклар молиявий ресурсларнинг 68,15 фоизи кредитларга йўналтирилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 77,28 фоизни ташкил қилган. Ушбу жараёнларда АТ Ипотекабанкнинг ўрнини таҳлил қилсак, унда 2017 йил 1 январь ҳолатига ушбу банк молиявий ресурсларининг 80,13 фоизи кредитларга йўналтирилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 72,59 фоизга етган.

**5-расм. АТ Ипотекабанкда депозитлар аҳамиятининг солиштирма таҳлили**



Тижорат банкларида пасивларини самарали бошқариш билан боғлиқ яна бир кўрсаткичлардан бирибу кредит операцияларига қанчалик депозит маблағлари жалб қилинишидир. Шунини таъкидлаш лозимки, ривожланган давлатлардаги ҳамда хусусий сектордаги банклар кредит операцияларини асосан депозитларидан фойдаланиди. Ушбу ҳолатни мамлакатмиз банк тизими бўйича таҳлил қилиб кўрсак. Бунга кўра 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизимида кредитларнинг депозитларига нисбати 141,49 фоизини ташкил қилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 208,97 фоизга етган. Бу ўз навбатида охириги йилларда давлат томонидан иқтисодиётни қўллаб қувватлаш мақсадида катта миқдорда банк тизимига ресурс жойлаштираётганлиги билан изоҳланади. Шу билар бир қаторда, давлат томонидан иқтисодиётни кредит кенгайтиши билан қўллаб қувватлаш асосан давлат улуши мавжуд бўлган банклар ёрдамида амалга оширилади. Бунга кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати 178,47 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 268,67 фоизга етган. Албатта бу банк тизими учун катта риск ҳисобланади. Ушбу жараёнларда АТ Ипотекабанкнинг ўрнини таҳлил қилсак, унда 2017 йил 1 январь ҳолатига ушбу банкда кредитларнинг

депозитларга нисбати 172,193 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 183,56 фоизни тақил қилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банклари кредит операциялари учун депозитлардан кенг фойдаланмас экан, давлатнинг арзон молиявий ресурслар билан қўллаб-қувватлашига ўрганиб қолади ва бу бозор рақобатларига мослашишда муаммоларга олиб келади. Бунга асос сифатида давлат улуши мавжуд бўлмаган банкларда кредитларнинг депозитларга нисбатини келтирамиз.

Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд бўлмаган банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати 67,33 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 89,16 фоизга етган.

Давлат томонидан тижорат банклари арзон ресурслар билан қўллаб-қувватлар албатта узоқ муддат давом эта олмайди. Шундай экан давлат улуши мавжуд банклар билан бир қаторда АТ Ипотекабанк ҳам бозор қоидаларига ва равобатга мослашиши ҳамда аҳолининг бўш турган ресурсларини жалб қилиш борасида самарали ишларни ташкил қилиши лозим.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Тижорат банкларида пассивларини самарали бошқариш билан боғлиқ яна бир кўрсаткичлардан бирибу кредит операцияларига қанчалик депозит маблағлари жалб қилинишидир. Шунини таъкидлаш лозимки, ривожланган давлатлардаги ҳамда хусусий сектордаги банклар кредит операцияларини асосан депозитларидан фойдаланиди. Ушбу ҳолатни мамлакатмиз банк тизими бўйича таҳлил қилдик. Бунга кўра 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати 178,47 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 268,67 фоизга етган. Албатта бу банк тизими учун катта риск ҳисобланади. Ушбу жараёнларда АТ Ипотекабанкнинг ўрнини таҳлил қилсак, унда 2017 йил 1 январь ҳолатига ушбу банкда кредитларнинг депозитларга нисбати 172,193 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 183,56 фоизни тақил қилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банклари кредит операциялари учун депозитлардан кенг фойдаланмас экан, давлатнинг арзон молиявий ресурслар билан қўллаб-қувватлашига ўрганиб қолади ва бу бозор рақобатларига мослашишда муаммоларга олиб келади. Бунга асос сифатида давлат улуши мавжуд бўлмаган банкларда кредитларнинг депозитларга нисбатини келтирамиз.

Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд бўлмаган банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати 67,33 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келиб, 89,16 фоизга етган.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, тижорат банклари пассивдан самарали фойдаланиш ҳолатини баҳолашда пассивларнинг кредитларга йўналтириш ҳолати ҳамда банк кредитларининг депозитларга нисбати каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган трансформация жараёнлари натижасида охириги йилларда тижорат банкларининг пассивлари, мажбуриятлар, капитали юқори миқдорда ўсиб бораётганлини аниқланди. Аммо давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати 3 баробарга яқинлашиши ушбу банклар давлатнинг арзон ресурслар билан қўллаб-қувватланишига ҳамда бозор тамойиллари асосида рақобатга мослашишида муаммоларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирган АТ Ипотекабанк бутун банк тизимида ҳамда давлат улуши мавжуд банклар қорида ҳам пассивларнинг ўсиши, мажбуриятлар ва унда депозитлар жалб қилишда ва капиталини оширишда ўз ўрнини мустаҳлаб бормоқда. АТ Ипотекабанк пассивларини самарали бошқаришда аҳолининг бўш турган маблағларини депозитга жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ЎРҚ-582 Қонуни, 2019 йил 11 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580 Қонуни, 2019 йил 7 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
5. Абдуллаева Ш.З.(2007). Пул, кредит ва банклар.-Т.: ”Молия”.
6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сайти.
7. [www.journal.bfa.uz](http://www.journal.bfa.uz) – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси электрон журнали

8. Abbas F., Iqbal S., & Aziz B. (2019). The impact of bank capital, bank liquidity and credit risk on profitability in postcrisis period: A comparative study of US and Asia. *Cogent Economics & Finance*,7(1), 1605683.
9. Batrancea, L. M. (2021). An Econometric Approach on Performance, Assets, and Liabilities in a Sample of Banks from Europe, Israel, United States of America, and Canada. *Mathematics*,9(24), 3178.
10. Berrospide, J.M., & Edge, R. M. (2019). The Effects of Bank Capital Buffers on Bank Lending and Firm Activity: What Can We Learn from Five Years of Stress-Test Results?
11. Fatone, L., & Mariani, F. (2019). An assets-liabilities dynamical model of banking system and systemic risk governance. *arXiv preprint arXiv:1905.12431*.
12. Mendicino, C., Nikolov, K., Suarez, J., & Supera, D. (2020). Bank capital in the short and in the long run. *Journal of Monetary Economics*,115, 64-79.
13. Owusu, F. B., & Alhassan, A. L. (2021). Asset-Liability Management and bank profitability: Statistical cost accounting analysis from an emerging market. *International Journal of Finance & Economics*,26(1), 1488-1502.